Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 114 (6. 305) ◉ 1987 йил 21 май, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ҲАЁТГА!

ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Замондошимиз



САРДОР

Завод дарвозасидан ичкарига кириши билан оқ халат кийган, ўрта бўйли, қорачадан келган, ёшга нисбатан анча вазмин кўринган бир киши кўзимга ташланди. Ёнига келиб, ўзимни таништирдим. Шунда у киши ўзини Анатолий Ҳошимовнинг таништирди.

Ҳошимов ҳақида кўп эшитганман. Ишлаб чиқариш мастерининг юраги севинчдан ҳаприқиб кетди. Мойли қўлларини артиб, конверт устига кўз югуртирди. Адресда олдингидек жимжимадорликдан асар ҳам йўқ эди. Ҳарфлар ихлос билан битилган. Бир қарашданоқ солдатлик кунларининг бетакрор дамлари ёш ўспиринга нималар бераётганлиги сезилиб турарди.

Зоид ака хатни қониқиш билан ўқиб чиқди. «Н» қисм хизматчиси Иброҳим Аҳмедов жанговар тайёргарликда алоҳида ибрат кўрсатганлиги учун командирнинг раҳматномасини олганлигини қайд этганди. Янгиликлар ҳақида ёзганди. Хат сўнггидаги икки оғиз гап эса ҳаммани тўлқинлантирмаслиги мумкин эмасди.

«Совет Армияси сафидан хизматдан қайтгач албатта бригадамизга қайтаман».

Зоид Ҳомидович бу гапни шогирдидан хизматга кетаётган пайтда эшитишни истаганди. Эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, Иброҳим Аҳмедов ўз йўлини тўғри танлаганлигини тушуниб етди. Тажрибали мастернинг хаёлидан шу фикрлар кечди-ю, ёш ўспиринниг ишга келган дастлабки дамларини эслади. Шошқалоқлигини ҳисобга олмаганда Иброҳим анча камсуқум йигит эди. Ишни қизиқиш билан бошларди-ю, тажрибасизлик қилиб, панд еб қолганида ҳамма нарсадан ҳафсаласи қолиб кетарди. Бир куни тушликдан кейин Зоид ака Иброҳимни тунд ҳолда учратди. Чидаб туролмади. Йигитдан хафақонлигининг боисини сўраб-суриштирди.

— Бу аҳволда қачон ўзимни ўнглаб оламан, — Иброҳим Аҳмедов кўнгил дардларини юзага чиқара бошлади. — Келганимга қанча кун бўлди-ю, ҳали мустақил ишлашга кўника олганим йўқ. Бу аҳволда бошқалар нима деб ўйлайди. План нима бўлади?

Зоид ака хатни қониқиш билан ўқиб чиқди. «Н» қисм хизматчиси Иброҳим Аҳмедов жанговар тайёргарликда алоҳида ибрат кўрсатганлиги учун командирнинг раҳматномасини олганлигини қайд этганди. Янгиликлар ҳақида ёзганди. Хат сўнггидаги икки оғиз гап эса ҳаммани тўлқинлантирмаслиги мумкин эмасди.

«Совет Армияси сафидан хизматдан қайтгач албатта бригадамизга қайтаман».

Зоид Ҳомидович бу гапни шогирдидан хизматга кетаётган пайтда эшитишни истаганди. Эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, Иброҳим Аҳмедов ўз йўлини тўғри танлаганлигини тушуниб етди. Тажрибали мастернинг хаёлидан шу фикрлар кечди-ю, ёш ўспиринниг ишга келган дастлабки дамларини эслади. Шошқалоқлигини ҳисобга олмаганда Иброҳим анча камсуқум йигит эди. Ишни қизиқиш билан бошларди-ю, тажрибасизлик қилиб, панд еб қолганида ҳамма нарсадан ҳафсаласи қолиб кетарди. Бир куни тушликдан кейин Зоид ака Иброҳимни тунд ҳолда учратди. Чидаб туролмади. Йигитдан хафақонлигининг боисини сўраб-суриштирди.

— Бу аҳволда қачон ўзимни ўнглаб оламан, — Иброҳим Аҳмедов кўнгил дардларини юзага чиқара бошлади. — Келганимга қанча кун бўлди-ю, ҳали мустақил ишлашга кўника олганим йўқ. Бу аҳволда бошқалар нима деб ўйлайди. План нима бўлади?

Иштиёқ

Бир жиҳатдан ёш ишчи ҳақ эди. Унга бригададагилар ғамхўрлик кўрсатишаётганди-ю, кўнглига қўл солиб кўришмаганди. Зоид ака йигитнинг безовта қалбини хотиржам қилди.

— Сенга ўзим ёрдам бераман. Ташвишланма.

Фамилиядош устоз ва шогирд бир-бирлари билан ишдагина эмас, муомалада ҳам, муносабатда ҳам яқин бўлиб қолишди. Зоид ака ихлос билан Иброҳимга деталь тайёрлаш сирларини ўргатди. Ёш ишчи сифатли маҳсулот тайёрлаб яхши иш бажарганидан энди тилга туша бошлаган ҳам эдики, Совет Армияси сафига хизматга чақириб қолишди.

Зоид Ҳомидович ҳаётида бундай воқеалар кўп марта бўлган. Унинг ўнлаб шогирдлари ҳозир «Ташхимсельмаш» заводи штамплаш участкасида тажрибали мастер билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз тақдиридан, устоз ғамхўрлигидан миннатдор. Чунки Зоид ака талабчан мураббий, тажрибали ишчи. Йигирма йилдан буён бир жойда меҳнат қилади. Ўтган давр ичида корхона ҳаётида бўлгани каби штамплаш участкасида ҳам кутилмаган ўзгаришлар бўлди. Янги, замонавий асбобускуналар билан жиҳозлантирилди. Авваллари битта операцияни бажариш учун бир неча ишчи вақт сарфлайдиган бўлса, эндиликда бу ҳолга чек қўйилган. Битта операцияни бир ишчи бемалол уддалай олади. Бунинг эвазига участкада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Сифат яхшиланаётир.

Зоид ака меҳнат қилаётган бригада коллективи қишлоқ меҳнаткашларига етказиб бериладиган ОВХ-28 маркали чанглагич-пуркагич машинаси учун деталлар тайёрлашга даъват этилган. Бу вазифани аҳил ишчилар шараф билан адо этишмоқда. Давлат қабули шароитида улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга деярли кам эътирозлар билдиряпти. Алексей Сенгин, Александр Сохряков сингари ўз касбининг моҳир усталари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Зарбдорларнинг аҳди — 7 ноябрга қадар амалдаги беш йилликнинг икки йили шахсий планини бажаришдир. Шуниси қувончлики, мусобақа пешқадамлари айни кунларда графикдан бир неча кун ўзган ҳолда ишламоқдалар. Уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ишлаб чиқариш мастери Зоид Ҳомидович зарур шароитларни яратиб бермоқда.

Яқинда Зоид Аҳмедов ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Унинг Тошкент область машинасозлик ходимлари мукофоти лауреати бўлганлиги билан ҳамкасблари, шогирдлари муборакбод этдилар. Зоид ака учун бу ютуқ чегара эмас. Унинг мақсади меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни арзонлаштириш ҳаракатида фаол қатнашиб, корхона ёрлиғи туширилган Маҳсулотлар шуҳратига кўшадиган шахсий улушини кўпайтиришдир. Қалбидаги иштиёқ, ғайрат ва шижоат Зоид акани улуғламоқда. Камолотга етказмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ.

Область мукофоти лауреатлари

Икки йиллик план — 7 ноябрга

Фахри Ёқубов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси 153-трестнинг 3-қурилиш бошқармасидаги илғор коллективларнинг бири ҳисобланади. Унинг азамат қурувчилари юбилей йили вахтасида актив иштирок этиб, зарбдорчасига меҳнат қилишмоқда. Ишнинг бригада пудрати талабларига мос равишда ташкил этилаётганлиги бунёдкорлар эришаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда. Натижада улар ҳар кунги топшириққа қўшимча 20 процент иш бажаришаётир. Илғорларнинг графикдан бир ой илгарилаб кетганликларнинг боиси ҳам шунда.

Бригада қурувчилари бунёд этаётган «1-Қўйлиқ» массивидаги 32 квартирали янги турар жой биносида ҳозир қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Коллективдаги Илҳом Исмоилов, Александр Фёдоров сингари қўли гул қурувчиларнинг номини қурилиш ташкилотида билмайдиганлар кам. Бу тажрибали бунёдкорлар шу кеча-кундузда келаси ойнинг сўнгги кунлари ҳисобига ишлаш билан бирга ликда, ёш қурувчиларга касб сирларини ҳам ўргатиб боришмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

Ютуқларнинг боиси

Ютуқларнинг боиси бригаданинг тажрибали сардори Анатолий Ҳошимовнинг тадбиркорлик билан иш юритаётганлигидадир. У ҳамиша янгиликка интилиб яшайди. Янги марралар сари коллектив токарларини руҳлантириб боради. Бригада аъзолари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига 7 ноябрга қадар амалдаги беш йилликнинг икки йиллик планини бажаришга аҳд қилишган. Айни пайтда улар зарбдорона меҳнатлари билан катта мақсадларини рўёбга чиқармоқдалар.

Яқинда Анатолийнинг иш фаолияти бошланганига 13 йил тўлди. Айни вақтда тажрибали бригадир, жамоат ишларининг актив иштирокчиси ҳамдир. У халқ контроли группаси аъзоси сифатида қизғин иш олиб бормоқда. Қолаверса, амалий тажрибасини Тошкент политехника институти 5-курсида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш билан янада бойитаётир.

СУРАТДА: Анатолий Ҳошимов.

Т. Каримов фотоси.

МАҲАЛЛА НОМЗОДИ

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Репортаж

Атрофга оқшом чўка бошлаши билан кўксини бир қанча жанговар орден ва медаллар безаб турган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, юзлаб пенсионер отахон-онахонлар, ёшлар Дўмбиробод маҳалла комитетининг залига тўпландилар. Бўлажак йиғилиш олдидан кўпчилик ҳаяжонда эди. Чунки маҳалла аҳли тарихида биринчи марта бундай янгилик — халқ депутатлари Чилонзор район Советига номзод кўрсатиш рўй бераётганди. Тўғри, улар аввалларидан ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлишган. Бироқ у пайтларда бевосита меҳнат коллективларидаги илғор ишчиларни, меҳнатчиларни депутатликка сайлашган. Бироқ бу эскирган иш услуби эндиликда ўзини оқламай қолди. Сайловолди кампанияси иштирокчилари маҳалланинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига кўпроқ жон куйдирадиган, халқ наказларини, вақтида бажарадиган вакилни номзодликка тавсия этишлари керак.

Хўш у ким бўлади? Йиғилиш очилгунга қадар бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмасди. Гарчанд ҳар кимнинг тавсия этишга ўз кўнглидаги киши бўлсада, бироқ у кўпчилик манфаатига мос келадими-йўқми, деган жумбоқдан ташвишланарди. Биз сайлаб қўйилган депутатларни сайловдан сайловгача бўлган муддат ичида қандай ишларни олиб борганликлари билан қизиқдик.



— Аслида ҳеч қандай, — жавоб беради Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ёдгор Дўсматов. — Депутатлик шунчаки ном эмас. У халқ — хизматчиси. Шундай экан, бу унвонни халқ ҳоҳиш-истагини бажо этиш билан оқлаш керак. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида ўзим ҳам халқ депутатлари Чилонзор район Советига депутат бўлганман. Ҳалигача ёдимда. Кўпчилик ишчилар ўз фарзандлари учун Бешёғочда боғча қуришда ёрдам беришни илтимос қилишди. Тегишли ташкилотларга қатнаб уларнинг талабини қондирдик. Юзлаб жажжи кичкинтойларни ўз боғрига оладиган шундай намунали маскан ишга туширилди.

Ўша пайтларда чайқовчиликнинг авж олиб кетганлигидан кўпчилик аҳоли норози эди. Уларнинг истагига мувофиқ вақти-вақти билан Бешёғоч бозорида олиб-сотарларга, меҳнатсиз даромад топаётганларга қарши муросасиз кураш олиб бордик, нарх-наво билан қизиқдик.

Ҳозирги депутатларда назаримда ишчанлик етишмайди. Акс ҳолда маҳалла комитетимизга қарашли катта майдоннинг ўзига яраша ташвиш ва муаммоларини бартараф этишда улар амалий ёрдам кўрсатган бўлишарди.

— Ҳа, — суҳбатга қўшилади икки марта Қизил Юлдуз ва Ватан уруши орденлари нишондори Абдураҳим Муталов. — Бу масалаларни биз кўпроқ маҳалла комитетининг бевосита аралашуви туфайли ҳал этамиз.

Дўмбиробод маҳалласи Чилонзор районидагина эмас, балки шаҳардаги энг катта маҳаллаларнинг бири. Унда 14 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Биргина амалдаги беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бу ерда катта миқдорда оммавий-маданий ишлар амалга оширилди. Маҳалла кун сайин гуллаб-яшнади. Мавжуд майдонларда ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш-о б о-донлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди.

Маҳалла комитетининг ибратли ишларидан яна бири — маҳаллани яшил боғлар масканига айлантириш учун курашаётганлигидадир. Ҳозир ҳар бир хонадонда сархил мевали дарахтларнинг у ёки бу тури мавжуд. Уларнинг ҳосилидан бахраманд бўлган киши соҳибкорнинг қўли дард кўрмасин дейди. Аслида эса маҳаллада ҳеч қандай боғбон ҳам, қоровул ҳам йўқ. Бу иш бевосита аҳоли томонидан амалга оширилади. Ҳозирги кунда маҳаллада ўтказилаётган яхши бир тажриба ўзини оқламоқда. Йўл бўйларида энг яхши навларга пайванд қилинган тут кўчатлари кўпайтирилаётир. Биргина шу йилнинг ўзида бу қимматли меванинг 300 тупдан зиёди йўл бўйлари ва кўчаларга ўтказилди. Уларнинг хонадонлардагиси билан ҳисоблаганда жами миқдори 3000 донадан ошиб кетади.

Маҳалла комитети фаолларининг ташаббуси билан янгича маросимлар ва ёнъаналар давр руҳига сингиб бормоқда. Никоҳ тўйларини ўтказишда исрофгарчилик ва ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмаяпти.

— 1985 йили қизим Гулчеҳрани турмушга узатгандик, — дейди маҳалла комитети агитатори, 131-мактаб чет тили ўқитувчиси Сайёра Шамсутдинова. — Тўй жуда яхши ўтди. Маҳалла комитетининг аралашуви билан исрофгарчилик ва ортиқча олди-бердиларга йўл қўйилмади. Бироқ, бундан бироз гина ҳам қилгани йўқ. Қизим Гулчеҳра куёвим Олимжон билан ҳозир бахтиёр турмуш кечиришмоқда. Неварамиз Азизжон оиланинг камолини кўрсатиб турибди. Бундай бахтиёр, ибратли ёш оилалар маҳалламизда беҳисоб.

Маҳалла комитетининг таъсир доираси. Назаримизда бу сўз замирига унинг кенг қамровли фаолияти ҳам сингиб кетгандек эди. Бу нарса айниқса йиғилишда яққол кўзга ташланди. У анча уюшқоқлик билан ўтди. Жонли мунозарага бой бўлди. Даврадан тушган таклифга мувофиқ уч номзод кўрсатилди. Аммо сўзга чиққанларнинг кўпчилиги якдиллик билан салкам йигирма йилдан буён маҳалла комитетига раислик қилиб келаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, коммунист Усмон Абдуллаевни халқ депутатлари Чилонзор район Советига депутатликка номзодини кўрсатдилар. Маҳалла комитети раисининг жўшқин фаолияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Усмон Абдуллаевнинг эл-юрт ишончини оқлашига бир овоздан кафолат берилди.

Йиғилишда район ва шаҳар халқ судларига маслаҳатчилар ҳам сайлаб олинди.

Йиғилиш тугади. Ильич чироқларидан нурафшон бўлган минглаб хонадонлар тинч ва осойишта эди. Усмон ака Абдуллаев ҳаммани кузатиб иш кабинетига йўл олди. Назаримизда у янги режаларни амалга ошириш учун яна бир қутлуғ қадам қўяётгандек эди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.
«Тошкент оқшоми»нинг мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: Дўмбиробод маҳалласида район Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишдан лавҳалар.

Р. Шарипов фотолари.







Тараққиёт кўзгуси

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Ўзбекистон халқлари тарихи музейида янги кўргазма очилди. У «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи» деб номланган. Кўргазма материаллари Ўрта Осиёда 1876 йилда очилган музей тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазманинг биринчи стенди Тошкент музейи ташкилотчилари — А. П. Федченко, В. Ф. Ошанин, Н. А. Маев каби йирик рус олимларининг ўлкашунослик ишларини бошлаб берганликлари ва бу музейни ташкил этишда ўз ҳиссаларини қўшганликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Туркистонда музейнинг ташкил этилиши катта прогрессив воқеа эди. Чунки у ўзида турли тарихий ёдгорликлар, табиат, ҳайвонот дунёси намуналарини акс эттириб, ўлка бойликлари ҳақидаги билимларни тарқатувчи даргоҳга айланган эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва В. И. Ленин раҳбарлигида тайёрланган музейлар ҳақидаги декрет музей фаолиятининг бундан кейинги тараққиёти йўлини белгилаб берди.

Шу бўлимда 1925 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё революция музейи материаллари ҳам кўрсатилган. Бу музей 1930 йилда Туркистон халқ музейи билан қўшилиб, Ўрта Осиё тарихи ва революция музейи деб атала бошланган эди.

Кўргазмада бу даргоҳда меҳнат қилган олимлар ҳақидаги материаллар ҳам катта ўрин олган. Зоолог-орнитолог Н. А. Зарудний, Ўрта Осиё тарихи, фольклори, этнографияси, археологиясига муҳим ҳисса қўшган И. С. Андреев, музейнинг биринчи бошқарувчиси А. А. Диваев, этнограф, тилшунос, антрополог, академик-олим Л. В. Ошанин, таниқли совет археологи М. Е. Массон, Туркистонда Октябрь революцияси ва гражданлар урушининг актив иштирокчиси, музей директори Х. Ҳусанбоев ҳақидаги ҳужжатлар кўргазмада акс этган. Бир қанча материаллар музейнинг бевосита иштироки ва ёрдами натижасида вужудга келган Марғилондаги Й. Охунбобоев, Янгийўлдаги У. Юсупов, «Ленинизм», Х. Турсунқулов номидаги колхозларда, Оққўрғон районида ташкил топган музейлар ҳақида ҳикоя қилади.

Н. СУЛТОНОВА,
тарих фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи бўлим бошлиғи.

ЯНГИ ЛУҒАТ

«Ўқитувчи» нашриёти таниқли тилшунос олимлар Эминжон Талабов ва Қудратулло Тошметовларнинг «Арабча-ўзбекча луғат» китобини чоп этди. Мазкур луғат беш минг сўз бирлиги ва ибораларни ўз ичига олади. У китобхонларга мураккаб бўлмаган бадиий, илмий жумлаларни ўзбек тилига таржима қилишда ёрдам беради. Ушбу луғатдаги сўзларни ўзлаштириш ўқувчиларга дарсларда ўргатилаётган грамматика билимини чуқурроқ эгаллаш, ёзиш ва оғзаки нутқ кўникмасини ўстириш, махсус мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ёки текстларни тузишда қўл келади.

Луғат биринчи марта ўзбек тилида чиқарилди.

Т. ИСМОИЛОВ.

«Садо»нинг гастроллари

«Садо» вокал-чолғу ансамбли тобора мазмунли шинавандаларни ҳурматини қозонмоқда. Ижодий коллектив бу йил ҳам ўз мухлисларини янги-янги концерт номерлари билан хушнуд этиш ниятида.

Ансамблнинг қардош Молдавияда берган концертлари муваффақиятли ўтди. Бу ерда ўтказилган «Мэрцишор» Бутуниттифоқ фестивалида қатнашган садочилар репертуаридаги энг яхши номерларини маҳорат билан ижро этдилар.

Шундан сўнг коллектив қардош Украинанинг Киев, Чернобыль, Днепропетровск каби шаҳарларида гастролда бўлди.

Яқин орада «Садо» Закавказье республикалари бўйлаб ижодий сафарга йўл олади. Шунингдек, РСФСРдаги бир неча шаҳарда гастролда бўлади.

С. ОДИЛОВА.

Янги рубрика:

«ТОШКЕНТ МИЛЛИОНИ» «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ НАЗОРАТИДА

Ҳаммасига редакцияга келган хат сабабчи бўлди. Бу хатни қурувчи-унженер, «ТашНИИСЭ қурилиш-техника экспертизаси бўлимининг эксперти Анатолий Александрович Захаров йўллаган эди. Газетхон мактубида кўтарилган айрим масалалар билан танишинг:

«Тошкентликларни уй-жой билан таъминлаш ниҳоятда кескин муаммо бўлиб қолаяпти. Бу йил қурувчилар 1 миллион квадрат метр уй-жой қуришлари лозим. Ишга тушириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Эски уйларни планли равишда бузиш белгиланган, уйсозликнинг янги қувватларини қуриш ва эскиларини реконструкция қилишга талайгина маблағлар ажратилган.

Аммо қайта қуриш йўлига ўтилар экан, биринчи навбатда айнан қурувчилар бир миллион квадрат метр уй-жойни қандай ишга туширишни мўлжаллаётганликларини ушбу вазифанинг бажарилишига ким тўсқинлик қилаяпти, ким оқсаяпти-ю, ким пешқадамлик қилаяпти — ана шуларнинг кенг ошкоралигини таъминлаш лозим.

Тошкентликлар ҳам қурувчиларга талайгина саволлар беришлари мумкин. Редакцияга уй-жойлар қурилиши планининг бажарилишига бағишланган доимий рубрика очишни, ана шу 1 миллион квадрат метр уй-жойнинг тақсимланиши ва уларга оилаларнинг кўчиб киришини назоратга олишни таклиф этаман», деб ёзганди жумладан у.

Биз А. А. Захаровни редакцияга таклиф этдик. Бу ерда у янги рубриканинг очилишига доир ўз фикрлари билан ўртоқлашди, ўзи ишлаб чиққан уй-жойларни фойдаланишга топширишнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган жадвални таклиф этди. «Оқшом» газеталари ўз навбатида барча ташкилий масалаларнинг ҳал этилишини ўз зиммасига олди.

Шундай қилиб, доимий ҳаракатдаги оператив группа ташкил этилди. Унинг таркибига газета журналистларидан ташқари, штатсиз мухбирларимиз, шу жумладан А. А. Захаров ҳам кирди. Шунингдек, оператив группага Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири О. С. Алихўжаев, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг бошлиғи Б. И. Магай, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети қурилиш бўлимининг мудири В. П. Готвянский киритилди.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишининг бориши тўғрисидаги материаллар мунтазам бериб борилади. Қурилаётган объектлардаги камчилик сабабларини шарҳлашга район ижроия комитетлари, капитал қурилиши Бош бошқармаси, капитал қурилиши бошқармаларининг масъул ходимлари, пудратчи ва ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотларининг, буюртмачиларнинг вакиллари жалб этилади.

Биз барча оқшомхонларни «Тошкент миллиони» қурилишининг муаммолари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда фаол қатнашишга даъват этамиз, хўжасизликка доир барча фактларни дадил маълум қилиб, уй-жой программасини ҳал этишда сизни ҳаяжонлантираётган барсалар ҳақида бизга ёзинг.

«ТО» ва «ВТ» газеталарининг капитал қурилиш бўлими.

ТОШКЕНТНИНГ «МИЛЛИОН КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙИ» ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ТОПАДИ!

Районлар	Ишга тушириладиган ялпи майдон (квадрат метр) План йиллик	План ярим йиллик	йил бошидан ишга тушириладиган	планнинг йил бошидан бери бажарилиши (процентларда)
Тошкент шаҳри —жами шу жумладан капитал маблағлар ҳисобидан	990910	474093	233669	49,3
уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	790310	338773	185694	54,8
Акмал Икромов райони	220600	135320	48466	35,7
капитал маблағлар	4785	2140	2140	100,0
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	—	—
Кировр айони				
капитал маблағлар	95197	26593	11541	43,4
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	4702	—
Куйбишев райони				
капитал маблағлар	167880	70019	27131	38,7
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	—	—
Ленин райони				
капитал маблағлар	57502	24051	27303	113,5
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	5282	—
Октябрь райони				
капитал маблағлар	68240	38284	27140	70,9
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	2443	—
Собир Раҳимов райони				
капитал маблағлар	78336	35633	24663	69,2
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	—	—
Сергели район				
капитал маблағлар	99693	63576	46792	73,6
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	26669	—
Фрунзе райони				
капитал маблағлар	32065	16194	6211	38,4
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	—	—
Ҳамза райони				
капитал маблағлар	62992	15978	8045	50,4
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	4620	—
Чилонзор райони				
капитал маблағлар	127978	22270	—	—
уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	4750	—
Область	10828	7530	4728	62,8

ЭСЛАТМА: УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ВА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИ РАЙОНЛАР БЎЙИЧА БЕРИЛМАГАН.

Районлар бўйича буюртмачилар	Ишга тушириладиган умумий майдон (кв.м.) План йиллик	План биринчи ярим йиллик	йил бошидан бери ишга тушириди	йил бошидан бери планнинг бажарилиши (процентларда)
Тошкент шаҳри	790310	338773	185694	54,8
Акмал Икромов райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	4785	2140	2140	100,0
«Главташкентстрой» 12-тресги	2140	2140	2140	100,0
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	2645	—	—	—
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	—	—
Кировр айони				
а)капитал маблағлар ҳисобидан	95197	26593	11541	43,4
гидрометеорология хизмати	600	—	—	—
Автомобиль транспорти ва йўллар институти	5300	—	—	—
Министрлар Совети ишлар бошқармаси қурилаётган бинолар дирекцияси	1640	—	—	—
«Узремстройтрест»	6900	—	—	—
«Ташпромстрой»	5413	—	—	—
яйлов-мелиорация бирлашмаси ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармаси	1672	—	—	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	73672	26593	11541	43,4
б) уй-жой қурилиш кооперативлари	—	—	4702	—
Куйбишев райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	167880	70019	27131	38,7
«Главташкентстрой» 4-трести	3030	3030	2352	77,6
«Средазэнергомонтаж» трести Тошкент монтаж бошқармаси	2912	2912	—	—
Область педагогика билим юрти	2700	—	—	—
Қурилиш министрлигининг 4-махсус трести	2900	—	—	—
«Узстройтранс» бирлашмаси	—	—	—	—
Журин номидаги САНИИРИ	4200	—	—	—
ТИИМСХ	5589	5589	—	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	146549	58488	24779	42,4
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	—	—
Ленин райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	57502	24051	27303	113,5
Ободонлаштириш бошқармаси	1850	—	—	—
Шаҳар уй-жой бошқармаси	2310	—	—	—
«Гордорстройремонт»	2000	—	3038	—
«Ташремстройтрест»	2960	—	—	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	45370	24051	24265	100,9
«Водоканал» трести	3012	—	—	—
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	5282	—
Октябрь райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	68240	38284	27140	70,9
Москва —Куйбишев — Тошкент дирекцияси	3197	1689	—	—
Қурилаётган республика махсус босмахонаси ва бошқа объектлар дирекцияси	2640	—	—	—
«Средазсовхозстрой» ОДСП	5360	2200	2682	121,9
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	57043	34395	24458	71,1
«Ташинжстрой» трести	—	—	—	—
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	2443	—
Сергели райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	99693	63576	46792	73,6
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	99693	63576	46792	73,6
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	26669	—
Фрунзе райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	32065	16194	6211	38,4
«Узстройремонт! трести	4478	4478	3566	79,6
«Ташкентгеология» бирлашмаси	1810	—	—	—
Низомий номидаги педагогика институти	2700	—	—	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	23077	11716	2645	22,6
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	—	—
Ҳамза райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	62992	15978	8045	50,4
Пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси	510	—	170	—
Фанлар академияси капитал қурилиш бошқармаси	2600	2600	2600	100,0
Қўйлиқ кўприк темир-бетон конструкциялари заводи	842	—	—	—
«Узэлектромонтаж» трести ЭМИ заводи	2630	2630	2630	100,0
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	101984	21496	5290	24,6
«Узтранспецстрой» трести	50992	10748	2645	—
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	4620	—
Чилонзор райони				
а) капитал маблағлар ҳисобидан	127978	22270	—	—
«Средазспецстрой» трести	300	—	—	—
Хусусий қурилиш бўйича республика бирлашган дирекцияси	7454	—	—	—
«Промстрой» трести	750	—	—	—
«Таштеплокоммунэнерго»	2525	—	—	—
Давлат агросаноат комитети бирлашган дирекцияси	4564	—	—	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	110825	22270	1380	6,2
б) уй-жой қурилиш кооперативлари ҳисобидан	—	—	4750	—
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси	674200	295000	167896	56,9

ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ҲОТАМТОЙЛИК

Транспорт воситаларида турли-туман халқ хўжалик юклари ташилмоқда, кўплаб пассажирларнинг манзили яқин қилинмоқда. Бироқ давлат транспортидан шахсий ва ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автомобиль инспекцияси ходимлари экономикамизнинг муҳим тармоғи ҳисобланган транспорт тармоқларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, унинг самарадорлигини ошириш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу мақсадларда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда турли рейдлар ўтказилмоқда.

Рейдлар аввжи иш вақтида кўплаб давлат ихтиёридаги автомашиналар айрим шахсларнинг юмушларига хизмат қилаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари интизомсиз, қоидабузар ҳайдовчилар оғир юкли машиналарини ўз шахсий манфаатлари йўлида ишлатаётганлиги аниқланди. Бу минглаб тонна ёнилғининг беҳуда сарфланаётганидан далолат беради.

Бунга биз яқинда Тошкент шаҳар Сергели районида ўтказилган рейд материалларини мисол тарзида келтиришимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рейд атиги икки соат давом этган бўлсада шу вақт мобайнида биз транспортдан белгиланмаган мақсадларда фойдаланаётган ўнлаб қоидабузарларни учратдик.

Тошкент шаҳар 1-трамвай-троллейбус депосига қарашли 88—30 ТНП номерли ЗИЛ—130 автомашинасининг ҳайдовчиси С. Х. Сайфутдинов «Сергели районига дўстимни кўргани келдим», дейди. Деподан Сергелигача бўлган масофа 20 километрни ташкил қилади. Ортга қайтиш учун эса яна шунча масофани босиб ўтиш лозим. Шахсий манфаат йўлида давлат бензинини сарф қилганингиз учун ким жавоб беради, деб сўраган эдик, афсуски саволимизга аниқ жавоб ололмадик... 12-ремонт-қурилиш бошқармаси 2-трести 21—88 ТНА номерли ГАЗ—51 автомашинасининг ҳайдовчиси У. Ю. Шарипов қурилиш бригадири Б. К. Колистратовни шахсий ишлари билан олиб юрганда тўхтатилди. Улардан ҳам жўяли жавоб ололмадик. Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 12-автокорхонасининг ҳайдовчиси Н. Л. Сазонтов эса давлат машинасида ўз дўстлари билан магазинма-магазин спиртли ичимлик ва сигарета олиш учун «сайр» қилиб юрганларида тўхтатилди. Тошкент пассажирлар ташиш 2-автокорхонасининг ҳайдовчиси В. А.Кузнецов РАФ 22-03 автомашинасида пассажирларга билет сотмай, бошқариб кетаётгани аниқланди. Нима сабабдан пассажирларни билет билан таъминламаганини сўраганимизда, унинг жавоби мантиққа мутлақо зид эди. Маълум бўлишича, Кузнецов доимо пассажирларни манзилига элтиб қўйганидан кейин йўлкира олар экан...

Бу кўпчилик автокорхона раҳбарлари ҳанузгача шу кунниинг долзарб талаблари асосида меҳнат қилмаётгани, ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликларидан далолат беради. Оқибатда юзлаб ҳайдовчилар давлат транспортида шахсий юмушларини бажариб юрибди. Машаққатли меҳнат туфайли бунёд қилинаётган табиий ресурслар, хом ашё давлат, халқ йўлида хизмат қилиш ўрнига айрим шахсларнинг манфаатлари учун беҳуда сарф қилинмоқда.

Жадаллаштириш, қайта қуриш каби долзарб масалалар айрим раҳбар шахсларнинг лоқайдлиги оқибатида қуруқ гап бўлиб қолмоқда. Акс ҳолда автокорхона мутасадди раҳбарлари давлат машиналарининг кун бўйи «ғойиб» бўлиб кетиши, тунлари ҳайдовчиларнинг уйлари олдида сақланаётгани билан озгина бўлса ҳам қизиққан бўлар эдилар. Ҳайдовчиларнинг линиядаги фаолиятлари, уларнинг қанча масофа босгани, ёнилғи сарфлагани, қачон гаражга қайтиши мунтазам равишда назорат қилиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

А. ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси ходими, милиция катта лейтенанти.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ РЕЖАЛАРИ

ПРАГА. Шу беш йилликда Чехословакия қурилиш ташкилотлари фаолиятининг бош йўналишлари — Совет Иттифоқидаги интеграция қурилишларида иштирок этиш, атом электр станциялари бунёд этишда меҳнат қилиш, эски уй-жойларни модернизациялаш ва янги турар жойларни барпо этишдан иборатдир.

Чехословакия ўтган йилдан бошлаб Совет Иттифоқи территориясида учта интеграция қурилишини — «Прогресс» магистрал газ қувурида, Кривой Рог конбойитиш комбинатида ҳамда Қора Чиғаноқдаги Урал газ конденцати кони қурилишларида иштирок этмоқда. Планларга мувофиқ беш йиллик охиригача чехословакиялик қурувчилардан 15 мингдан зиёд киши ана шу объектларда меҳнат қилади. Ишлар тугаганидан кейин ЧССР ҳар йили СССРдан табиий газ ва бойитилган темир рудасини оладиган бўлади. Бундай маҳсулотларни етказиб бериш мамлакат металлургия саноатининг талабларини тўла-тўкис қондиришини таъминлайди.

Атом электр станцияларини бунёд этишда қатнашиш тармоқнинг бошқа бир муҳим вазифасидир. Беш йиллик планларида атом энергетикасини ривожлантириш Чехословакия экономикасининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Электр энергия ҳосил қилишда АЭСнинг ҳиссаси 1990 йилга бориб ҳозирги 20 процентдан 30 процентгача ошади. Планда Шарқий Словакия областида атом электр станциясини барпо этишга лойиҳа тайёрлаш кўзда тутилган.

Беш йиллик мобайнида қурувчилар бир қанча йирик халқ хўжалик объектларини фойдаланишга топширишлари керак. Бу объектлар орасида Дунайдаги Габчиково — Надьмарош гидроэнергетика комплексининг биринчи агрегати, Кладнодаги «Польди» металлургия комбинатининг янги прокат цехи бор.

Уй-жой қурилиши соҳасида масъулиятли вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади. Шу беш йилликда уй-жой фонди эски уйларни янгилаш ва таъмирлаш ҳисобига анча кўпайиши керак. Аҳоли 480 мингта янги қулай ва шинам квартираларга кўчиб кирадилар.

РЕЙГАННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН. Президент Рейган келгуси молия йилига ғоят катта ҳарбий маблағлар ажратиб берилиши тўғрисида маъмуриятнинг талаби камайтирилишини таклиф этаётган ҳамда қурол-яроғларни чеклаш соҳасида конкрет чоралар кўрилишини, жумладан, бир килотоннадан ортиқ қувватли ядро портлатишларидан воз кечишни ва «самовий урушлар» программасига маъмурият режалаштираётган харажатлар қисқартирилишини ёқлаб чиқаётган АҚШ конгресси аъзоларига қаттиқ ҳужум қилди.

Президент вилоят нашрларининг редакторлари учун ўтказилган матбуот конференциясида ана шу конгресс аъзоларини «масъулиятсизликда» айблаб, шундай ҳолларда анъанавий бўлиб қолган даъволарни, яъни Оқ уй таклиф этган ҳарбий программаларининг қисқартирилиши гўё маъмуриятга қурол-яроғлар устидан контролликка доир музокараларни олиб боришга халақит қилади, деган гапларни айтди. «Конгрессда таклиф этилган бир қанча тузатишлар, ядро синовлари ёки СМТ билан боғлиқ таклифлар каби тузатишлар, Женевадаги музокараларда АҚШнинг позицияларига путур етказган ва ташқи сиёсатни ўтказишда менинг қўлимни боғлаб қўйган бўлур эди,», деди Президент. Оқ уй бошлиғи конгресснинг қонунга шундай тузатишлар киритилишига эришиш йўлидаги уринишларини «хатарли тенденциялар» деб атади.

Журналистлар Рейганга сира ҳам сусаймаётган «Эронгейт» можароси тўғрисидаги саволларни ёғдириб ташладилар. Оқ уй ана шу можаронинг маркази бўлиб қолди. Бунга жавобан Президент мен «Эдон-Контрас» ишини тафтиш қилиш унинг маъмуриятга «ҳалокатли зарба» берганлигининг «ҳеч қандай далилларини кўрмаяпман», деб ишонтиришга уринди.

«Бироқ кейинги олти ой мобайнида жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоблар сизнинг обрў-эътиборингиз анча тушиб кетганлигидан ташқари маъмуриятнинг ҳисоботини қўллаб-қувватловчилар ҳам камайиб кетганлигини кўрсатди. Сиз бунга нима дейсиз?» — қизиқиб сўради журналистлардан бири.

«Мен ҳақиқатни айтдим. Мен билган нарсаларимнинг ҳаммасини сўзлаб бердим», — деб ишонтирмоқчи бўлди Президент. Аммо унинг изоҳлари чалкаш эди. Масалан, Америка қурол-яроғини Эронга сотишдан тушган кўп миллионли маблағнинг бир қисми қонунни четлаб ўтиб контрреволюционерларга ёрдам учун юборилиб турилганлиги унга маълум эканлигини қатъиян инкор қилди. Шу билан бирга конгрессда «Эронгейт» масаласи муҳокама қилинган мажлисларда ўзининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланган собиқ ёрдамчиси Р. Макфарлейннинг гувоҳликларини шарҳлаб беришни Рейгандан сўрашганида Президент шахсан мени контрасларнинг операциялари ва Никарагуадаги аҳвол тўғрисида хабардор қилиб туришгани хусусида «ҳеч қандай шубҳа йўқ» деди. «Мен озодлик учун ана шу курашчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши жараёнига дахлдор бўлганлигим мутлақо тўғри. Бу — аввало менинг фикрим эди», — деб эътироф этди у.

Шу муносабат билан Эй-Би-Си телекомпанияси куйидагиларни қайд этиб ўтади: «Оқ уйдагилар эҳтимол тутилган чигалликлардан ташвишга тушмоқдалар: нари борса жамоатчиликда Президент ўз лавозимига мос эмас, деган фикр, бундан баттароғи эса у ҳақиқатни яшираяпти, деган фикр мустаҳкамланиши мумкин».

(ТАСС).

Объективда—ГДР



БЕРЛИН 1987 йилда ўзининг 750 йиллигини нишонлайди. Германия Демократик Республикасининг йирик саноат, фан ва маданият маркази бўлган бу шаҳарда Владимир Ильич Ленин бир неча бор бўлган эди. Берлин университетида эса Карл Маркс ва Фридрих Энгельс таълим олишган.
СУРАТДА: Берлин ратушаси — магистрат ва Берлин депутатлари шаҳар йиғилишининг мажлислар биноси.
С. Метелица фотоси, (ТАСС).

ТАМАКИСИЗ МАМЛАКАТ

Калейдоскоп

Сингапур республикаси ҳукумати кашандаларга қарши бир қанча қарорлар чиқармоқда. Бундай қарорларни бажариш республикада катта кампанияга айланиб кетди.

Мазкур кампаниялар фақат аҳолининг соғлиғини ўйлаб қилинмаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, аҳоли зич жойлашган бу республикадаги ёнғинларнинг 40 процентини кашандалар туфайли содир бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун аввал корхоналарда, йўлкаларда, лифтларда, зинапояларда чекиш ман этилиши ҳақидаги қарор жорий этилди. Польшанинг «Дзенник людови» газетасининг хабар беришича, кўпгина бар ва ҳаҳвахоналарда тамаки сотиш таъқиқланган.



И. С. Береташвили номидаги физиология институтида микроциркулятор тадқиқотлари республика маркази тузилди. Грузия ССР Фанлар академиясининг бу институтида ташкил этилган янги марказ тадқиқотлар олиб бормоқда.

СУРАТДА: катта лаборант Марина Девдариани бош мия бўйича тажриба ўтказмоқда.

Ш. Айвазов фотоси.

◆ БЕЛОРЕЦК (Бошқирдистон АССР), Бошқирдистонлик ёш оила — Марина ва Сергей Соколовлар оиласида уч эгизак туғилди. Тунгич ўғиллари Серёжа бирданига икки сингил ва укалик бўлди. Қадимги металлурглар шаҳрида уч эгизак туғилиши биринчи марта рўйхатга олинди. «Металлист» заводининг меҳнаткашлари ёш ота-оналарга гулдаста ва табрикнома билан бирга тўрт хонали квартира калитини ҳам топширдилар. Белорецк шаҳар ижроия комитети учта ва ундан кўп болалари бўлган оилаларга имтиёзли хизмат қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

◆ ГОРЬКИЙ. В. П. Чкалов номидаги пионерлар саройи ўзининг эллик йиллик байрамига турли йилларда бу ерда тарбияланганларни таклиф этди. Пионерлар саройи ўз фаолиятини авиамодель тўгарагидан бошлаганди. Бу тўгарак очилишини горькийликларнинг юртдоши, машҳур учувчи Валерий Чкалов 1937 йилдаёқ қўллаб-қувватлаганди. Уруш йилларида пионерлар саройида ўнлаб турли секциялар ишлади. Бу секцияларни битирганлар яхши тайёргарлик кўрган радист, тонгга (ёш матрос), медицина ҳамширалари бўлиб фронтга кетгандилар. Ярим аср мобайнида сарой 70 минг киши учун тарбия мактаби бўлиб қолди. Уларнинг кўплари ана шу ерда ҳунар эгалладилар.


◆ АРХАНГЕЛЬСК, Архангельск область филармониясига топширилган янги камер концерт залида классик композиторлар ва замонавий авторларнинг асарлари янгради. У Порт шаҳарнинг кўҳна биноларидан бирида жойлашди. Бу ердаги ишлар музика шинавандаларининг ташаббуси билан бошлаб юборилди. Қисқа муддат ичида уйнинг қиёфаси ўзгариб кетди: у халқ қурилиши методи билан тикланди. Эндиликда бу ерда орган ўрнатиш мўлжалланмоқда.

◆ КИЕВ, 12 майдан 14 майгача Украина пойтахтида бўлиб ўтган Бутунитифоқ симпозиумида саноат маҳсулотлари дефектоскопияси, медицина диагностикаси, атроф-муҳитни комплекс ўрганишда қўлланувчи Ватан ҳисоб томографиясининг тараққиёт проблемалари муҳокама қилинди. Унда мамлакатдаги барча илмий регионларнинг вакиллари қатнашдилар.

▲ ИВАНОВО. Халқ хўжалигининг бироита ҳам тармоғи оз тоннажли химия маҳсулотларисиз ишлай олмайди. Халқаро «Интерхим» ташкилотига кирувчи саккиз социалистик мамлакат мутахассисларининг бугун Иваново шаҳрида ўз ишини тамомлаган кенгаши тўқимачилик, кўнчилик ва целлюлоза-қоғоз саноати учун ёрдамчи моддалар деб аталмиш моддалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш проблемаларини муҳокама қилди. Ташкилот бунёд этилганидан бери 60 га яқин ҳар хил тахчил химикатларни биргалашиб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

◆ ПСКОВ. Карп балиғи етиштиришга қарор қилган кооператив аъзолари учта кўлни ўз ихтиёрларига олдилар. «Глубоковский» совхозидан ижарага олинган бу кўлларнинг ҳосили совхоз магазинига ҳамда Островский районининг тайёрлов ташкилотларига ҳам бериб турилади. Янги кооператив корхонада атиги беш киши ишлайди. Бу кичик коллектив шу мавсумда 15 тонна балиқ сотишни мўлжалламоқда.

◆ КРАМАТОРСК (Донецк области) «Новокраматорск машинасозлик заводи бирлашмасининг кўпгина инженер-техникларига автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларига, робототехника комплексларига ва ихчам ишлаб чиқариш системаларига хизмат кўрсатувчи мутахассис гувоҳномалари топширилди. Корхонада бошқаришнинг яхлит системаси жорий этилиши билан ана шундай профилдаги кадрларга эҳтиёж туғилди. Бирлашма электрон марказининг биринчи навбатини барпо этиш шу беш йилликда ниҳоясига етказилади.



ТОЖИКИСТОН ССР. Тош худди капалак сингари енгил бўлаолдими! Бўлиши мумкин экан. Инсон қўли гул, деб шуни айтадилар-да. Мана, бу суратдаги тош капалакларга бир қаранг-а. Улар гўё учишга шайланаётгандек туюлади. Александр Михайлович Соколов ҳар хил тошлардан 180 дан зиёд «капалаклар» ясади.

СУРАТДА: қайроққумлик механик А. Соколов ўзининг тош «капалаклари» билан бирга.

С. Жуков ва М. Бобожонов фотоси. (ТАСС).

Оила даврасида суҳбатлар



«БАХТЛИ БОЛАЛИК» В. Алексеев фотоэтюди.

Қадимги ҳикматлар

Донолар гурунги

Анушервон айтади: «Мурувват нима?» «Ошкора қилишдан уялган ишни пинҳона қилишдан ҳам қочишдир!»

●

Абу Малик ўғлига насиҳат қилиб деди: «Адаб эгаллашга интилинг, чунки адаб ҳожат тушганда молу амволга айланади, ҳожат тушмаган пайтда кўрку жамолга!».

●

Бузургмеҳр айтади: «Оталар болаларга мерос қилиб қолдирадиган нарсалар ичида адабдан кўра улуғроқ нарса йўқ. Чунки адаб билан молу-давлат ҳосил қилинади, нодонлик эса уни талон-тарож қилади!»

●

Айтадилар: «Гўзал ҳулқ — энг яхши дўст, адаб эса энг яхши мерос».

●

Бузургмеҳр айтди: «Кимнинг адаби кўп бўлса, улуғлиги кўп бўлади».

●

Асманй айтади: Аҳмоқнинг белгиларидан бири шуки, у сўзнинг тагига етмай туриб, тезда жавоб қайтаради!».

Маҳмуд ҲАСАНОВ тайёрлаган.

Турмуш чорраҳаларида

Сизни соғиниб келдим

Катак дафтар варағига дона-дона қилиб битилган хат қисқа эди. Даврон ўртоқларини соғинганини, кўргиси келаётганини ёзганди. Охири эса «Жон Равшан, менга хат ёз, хат!» деб тугалланган эди.

Равшан мактубни ўқиб, ундан қуш ясади, балконга чиқди. Форточкадан бошини чиқариб, учириб юбормоқчи бўлди. Олтинчи қаватда турадиган Бахтиёр қоғоздан шундай қуш ясаб учирарди. Гўё оппоқ каптарчага ўқ теккану, қанот қоқолмай пастга шўнғирди. Ўйланиб қолди...

Даврон Равшан билан синфдош эди. Учинчи синфда ўқийди. Оёғидаги боди кейинги пайтда хуруж қилиб қолгани учун Фарғонадаги санаторийда уч ой даволаниб ўша ерда ўқиши керак эди. Мана энди икки ҳафта ўтмаёқ ўртоғига хат ёзибди.

...Гоҳи сизда ҳам шундай бўлгандир. Қайси бир танишингизни жуда кўргингиз келиб кетади. Чидаб туролмайсиз. Шунда «Бор-э» деб ҳамма ишингизни йиғиштирасиз-да, юракдан соғинган одамингиз томон ошиқасиз. Кўрасиз, суҳбатлашасиз, дилингиз яйрайди. Узингизни қандайдир енгил ҳис этиб, кўнглингиз жойига тушади. Афсуски, ҳаммамиз ҳар қачон ҳам шундай қила олмаймиз. Ҳаётнинг бетиним, катта-ю-кичик ташвишлари одамни худди сеҳрлаб қўйгандек ўз домига тортаверади.

Шундай ҳам бўладики, узоқ вақт каравотга михлангандек ётган таниш, ҳаттоки, қариндош беморлар, йўлимизга илиқ қўлиб турган ота-ю-оналаримиз, ака-укаларимиз ҳолидан хабар ололмаймиз. Ҳаммасига гоҳ иш, гоҳ шароит, ишқилиб бир сабаб баҳона. Узимизни «Вақт йўқ, иш кўп» деб ёлғон овутамиз. Аслида эса ўзимизни-ўзимиз алдаймиз. Бир кун ўша танишимиз, яқин одамимиз оламдан ўтади-ю, афсус-надомат билан ўйлаймиз: «Оҳ, бориб кўролмадим-а, ҳол-аҳвол сўролмадим-а...» Энди кеч бўлади.

Меҳр кўзда бўлади, дейишади. Юзма-юз ўтириб суҳбатлашишга нима етсин. Шу жиҳатдан бир танишимнинг ўз яқинларига меҳр-оқибати бизни ибратга чақиради. У киши бир пайтлар оддий лавозимларда ишлаган, пенсияга чиққан бўлишига қарамай енгилроқ бир иш топиб ҳолиқудрат меҳнат қиларди. У ҳар куни вақтли туриб иш кунини қайсидир беморни кўриб келишдан, қариндош-уруғи аҳволидан хабар олишдан бошлар, сўнгра ишга кетарди. Кўлидан келганча кимгадир маънавий, кимгадир моддий ёрдам кўрсатар, буни вақт-соати келиб сира миннат ҳам қилмасди, албатта. Бир кун тонгга яқин шу кишининг уйида телефон жиринглаб қолди. Трубкани кўтарди. Кўтарди-ю, нохуш хабардан кўнгли чил-чил синиб кетди. Касалхонада кечагина кўриб келган бемор таниши вафот этибди. Унинг бир ўғли бўлиб, ҳарбий хизматда эди, қизи эса бошқа бир шаҳарда яшайди. Турмуш ўртоғи оламдан ўтган. Содиқ ака дарров кийинди. Яқин дўстларига аҳволни маълум қилгани кетди.

Вафот этган танишининг ўғил-қизига телеграмма юборди. Улар келгунча зарур юмушларни битирибгина турди.

Иссиқ жон, дейишгани рост. Содиқ ака бетоб бўлиб қолди. Узоқ ётди. Ҳар куни уни кўргани келганларнинг кети узилмасди. Билмаганлар ҳайрон: «Содиқ ака қандай лавозимда ишлаган эканки, уйидан ҳар куни одам узилмайди», дейишди. Ҳолбуки, у оддийгина шофёр бўлганди.

Ҳозирги турмушимиздан мамнун бўлиб яшаётирмиз. Ҳамма шароит бор. Бундоқ олганда сира зерикмай яшаш мумкиндек туюлади. Телефонда ҳол-аҳвол сўраб қўйиш мумкин. Томоша десанг — телевизор бор. Мутахассисларнинг айтишича, келажакда кўрсатув программаларининг кўпайиши натижасида бир оилада бир неча телевизор бўлиши табиий ҳол бўлиб қолади. Қўнғироқ қилган кишининг гапларини «эслаб қолувчи» телефонлар ҳам турмушимизга оммавий кириб келадиган вақт узоқ эмасга ўхшайди. Шундай бўлгач, одам одам билан эмас, балки темир билан суҳбатлашиши, шунга ўз дардини айтиши эҳтимоли борлиги ташвиш уйғотади.

Бунинг олдини олиш учун ҳам клублар, чойхоналар, оммавий сайл жойлари ишини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Токи одамлар бир-бирлари билан кўпроқ мулоқотда бўлсинлар, бир-бирларининг қувонч-ташвишлари билан яшасинлар, дейилмоқда. Зеро, соғлом турмуш тарзи учун кураш ҳам буни тақозо этмоқда.

Агар бир-биримизни узоқ вақт кўрмасак, жуда бўлмаса телефон қилиб ҳол-аҳвол сўрамай туролмасак — бу бизнинг энг яхши инсонийлик белгимиздир. Шундай ҳам бўладики, у ёки бу дўстингиз билан анчадан бери учрашмагансиз. Йўлингиз тушиб ишхонасига борасиз. Саломалик қилар-қилмас у сизга: «Келинг, хизмат!» дейди гапига расмий оҳанг бериб. Кўргани келдим, дейсиз ҳижолат бўлиб. Юрипмиз, иш кўп, дейди у соатига қараб. Келганингизга минг пушаймон ейсиз-да, уни хафа қилмай чиқиб кетиш пайида бўлиб қоласиз.

Тўғрисини айтиш керак. Бунда айб фақат ўша стол эгасининг ўзида эмас. Балки баъзан ҳол-аҳвол сўровчиларда ҳамдир. Негаки, баъзи бировлар кимларгадир иши тушганида салом-алик қилишга вақт топади. Ишини битириб олгач, кўрганда тескари қарайди. Одамгарчиликнинг муҳим белгиси бўлган оддий салом-алигимиз шахсий манфаат йўлида суиистеъмол бўлмаслиги керак.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб тан олишимиз керакки, ҳозирги тезкор давримизда ҳамма таниш билишларнинг кўнглини сўраш жуда мушкул иш. Соатнинг шафқатсиз капкири занг уриб, умримизни тинмай ҳисоблаб турибди. Бироқ биродарларимиздан йилда бир-икки марта хабар олмасак, жуда бўлмаса қўнғироқ қилмасак, бу ҳам инсофдан эмас.

Атрофимизга қарасак олижаноб одамлар жуда кўп. Иши қанчалик кўп бўлмасин, сизни кўриб ўрнидан туради. Вақти бемалолроқ бўлса кўнглини очиб, суҳбатлашади. Самимийлик билан ўзингизнинг ишингизни сўрайди. Унинг дилкашлигидан қалбингиздаги ҳали ҳеч кимга айтишга ботина олмаган режаю-йўларингизни айтасиз. Аслида эса фақат бирров кўришиш учун киргандим-ку, деб ўйлайсиз. Қувончу-ташвишларингизга шерик бўлишга ҳаракат қилганидан ўзингизни қушдек енгил сезасиз.

Фараз қилинг, бир танишингиз «Фалончи сизга салом айтиб юборди», десин, кўнглингиз тоғдек кўтарилиб кетади. Демак, шу одам мени яхши ном билан эслабди, деб ўйлайсиз. Салом айтиш учун эса бир оғизгина сўз керак, холос. Аммо ана шу сўзни дилдан чиқариш учун эса кишига қуёшдек меҳр ҳам зарур. Бу меҳр болаликдан воя га ета бошлайди.

...Катак дафтар варағига дона-дона қилиб битилган хат қисқа эди. Даврон ўртоқларини соғинганини ёзганди. Охирида эса «Жон Равшан, менга хат ёз, хат!» деб илтижо қилганди. Равшан мактубни ўқиб бўлгач, қоғозни буклаб қуш ясади. Балкондан ўқ еган каптардек ирғитмоқчи бўлди. Ўйлаб қолди. Лекин нима ҳақида? Балки у аввалги фикридан қайтиб, дўстига хат битар. «Сени мен ҳам соғиндим», деб ёзар. Тағин ким билади, дейсиз.

Абдусаттор ХАТАМОВ, Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофотининг лауреати.

Эчки қулоқ

ЮГОСЛАВ ХАЛҚ ЭРТАГИ

Қадим замонда Троян исмли бир шоҳ бўлиб, унинг қулоқлари эчкиникига ўхшаган экан. Шоҳнинг соқолини олган сартарошлардан биронтаси ҳам ўз уйига қайтиб бормас экан. Келган ҳар бир сартарошдан Троян шоҳ сўраркан:

— Менда нимани кўрдинг!

— Эчки қулоқни, шоҳим, — деб жавоб қилишаркан улар. Шу билан тамом-вассалом, савол-жавоб тугаркан.

Навбат яна бир сартарошга келибди, аммо у ўзини касалга солиб, ўрнига шогирдини юборибди.

Шоҳ ундан сўрабди:

— Нега устозингнинг ўзи келмайди!

— Бетоблар, шоҳим, — деб жавоб берибди шогирд. Троян шоҳ соқолини олдирибди. Шогирд соқол олаётганида шоҳнинг эчки қулоғини кўрибдию, ўзини кўрмаганга солибди.

Шоҳ ундан ҳам сўрабди:

— Менда нима кўрдинг!

— Ҳеч нима.

Шунда шоҳ унга ўн икки дукат пул бериб, бундан буён соқол олишга ўзи келиб туришини буюрибди.

Шогирд уйига қайтиб боргач устози ундан сўрабди:

— Ташрифинг қандай ўтди!

— Ҳаммаси яхши бўлди, шоҳ ҳар сафар келиб, соқолини олиб қўйишни буюрди, — деб жавоб қилибди шогирд. Шоҳнинг эчки қулоқлиги ҳақида эса лом-лим демабди.

Шундай қилиб деяр шогирд муntазам равишда шоҳнинг соқолини оладиган бўлибди ва ҳар сафар соқол олганида шоҳдан ўн икки дукатдан пул олибди, шоҳнинг эчки қулоқлигини эса ҳеч кимга бирон марта ҳам гапирмабди.

Лекин орадан бироз ўтгач у бу сирни сақлай олмай қолибди, бу сирни айтмаган сари дармони қочиб, соғлиги ёмонлаша бошлабди. Устоз шогирдидаги бу ўзгаришни сезиб сабабини сурштирибди, аммо у анчагача индамабди, кейин эса ниҳоят шундай дебди:

— Қалбимда бир сир бор устоз, уни ошкор этаолмайман. Мабодо айтсам ўзимнинг шу заҳотиёқ анча енгил ҳис қилган бўлардим.

— Менга айтақол, — дебди устоз, — ҳеч кимга айтмайман! Агар менга айтишга кўрқсанг, руҳоний ёнига бориб, унга айт. Агар унга ҳам айтишга кўрқсанг унда шаҳар четига чиқиб, дала ўртасида бир ўра қази ва унга бошингни тиқиб уч марта бақир. Сирингни ерга айтган бўласан, кейин ўрага тупроқ тортиб тўлдирда, орқангга қайт.

Шогирдга устознинг шу айтгани жуда маъқул тушибди. Шаҳар четига чиқиб, даладаги ўра қазиб, унга бошини суқиб уч марта:

— Троян шоҳнинг қулоғи эчки қулоқ экан,—деб бақирибди. Кейин ўрага тупроқ тортибди ва қилган ишидан кўнгли таскин топиб уйига қайтибди.

Бироз вақт ўтиб ўша жойдан ўқдек тўғри маржон дарахти ўсиб чиқибди. Унинг учта қизил навдаси бормиш. Чўпон болалар унинг битта навдасини кесиб олиб, ундан най ясашибди. Уни чалишган экан шу заҳотиёқ овоз келибди:

— Троян шоҳнинг қулоғи эчки қулоқ!

Бундан тезда бутун шаҳар хабар топибди, ниҳоят Троян шоҳга ҳам бу хабар етиб борибди.

Шоҳ сартарош шогирдини чақиртирибди.

— Бундан чиқди сен барибир халққа сирни ошкор қилибсанда, — дебди ғазабланиб.

Бечора шогирд шоҳнинг қулоқлари қандайлигини кўрган бўлса ҳам, ҳеч кимга айтмаганини гапирибди ўзини оқлай бошлабди. Шоҳ унга ҳанжар кўтарибди. Бундан шогирд қўрқиб кетибди ва ҳамма-ҳаммасини, яъни сирни ерга айтганию, ўша ердан маржон дарахти ўсиб чиққани, унинг учта новдаси борлиги, улардан ясалган най бир хил сўзларни такрорлашини бирма-бир айтиб берибди. Шунда шоҳ у билан каретага ўтқириб шогирд йиғитнинг гапи тўғримми ёки йўқлигини текшириш учун ўша жойга борибди. Қарашса дарахтнинг атиги битта навдаси қолган экан. Троян шоҳ шу навдадан най тайёрлашни буюрибди. Най тайёр бўлгач уни чалишибди ва шу заҳотиёқ «Троян шоҳнинг қулоғи эчки қулоқ!» деган овоз келабошлабди. Ер юзида ҳеч нимани яшириб бўлмаслигига ниҳоят шоҳ ибрат бўлибди, йиғитга ҳаёт инъом этибди ва шундан кейин соқолини турли сартарошларга олдирадиган бўлибди.

Т. МУҲИДДИНОВ таржимаси.

Бувижон, ўқиб беринг

Ўзбек халқ мақолларидан

Бирлашган тоғни талқон қилар.

⊙

Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама.

⊙

Дўстинг билан сирдош бўл, Қилган ишига қўлдош бўл.

⊙

Иш дўстинг — жон дўстинг.

⊙

Чин дўст юракдан сўлар.

⊙

Яхши дўст — жон озиғи, Ёмон дўст — бош қозиғи.

⊙

Кўнгилли дўст кўтарар.

⊙

Ҳамжиҳатлик — давлат, Ёлғизлик — кулфат.

⊙

Кенгашмай, тенглашмас.

⊙

Дўст ачитиб гапирар, Душман — кулдириб.

⊙

Куч — бирликда.

КИЧКИНТОЙ ТОПҚИРЛАР

1. ЛЕНИН БОБО

Дилдор деган қизалоқ дадаси билан ойисини ҳеч тинчитмади.

— Мен Ленин бобони кўраман. Ленин бобони кўргим келяпти. Мени Ленин бобонинг олдига олиб боринглар, — деб ҳар куни ялинаверди.

— Ахир ҳозир қиш, — дерди дадаси, — совқотиб қоласан.

Дилдор кўнмади. Охири бир дам олиш куни ойиси уни кийинтириб, Ленинниинг ҳайкали олдига олиб борди.

— Вуй, Ленин бобо ҳаммадан ҳам катта экан, — деди Дилдор хурсанд бўлиб.

— Салом, Ленин бобо! Мен Сизни кўргани келдим.

У шундай деб, Ленинниинг сояси тушиб турган жойда югуриб ўйнай бошлади.

— Сояда ўйнама, — деди ойиси, — Совқотиб қоласан.

— Йўқ, совқотмайман, — деди Дилдор. — Ленин бобонинг сояси иссиқ.

2. КАМОЛА КАТТА БЎЛСА

— Катта бўлганимда ҳамма мени «Камола хола» дейди, тўғрими? — деди Камола.

— «Камола буви» дейишмаса бўлгани, — деди Наргиз. — Қари кампир бўлган ёмон. Кампирларга, чолларга қийин.

3. ТОВУҚНИНГ БОЛАЛАРИ

— Товуқ жўжанинг онаси, жўжа товуқнинг боласи, — деди Барно.

— Аввал тухум товуқнинг боласи бўлган. Кейин унинг ичидан жўжаси чиқиб, товуққа бола бўлиб олган, — деди Раъно.

4. МУШУК БОЛАЛАГАНДА

— Мушугимиз бола очибди, — деди Раъно.

— Тухумни қаёқдан олибди? — деб сўради Барно.

— Чумчуқни еб, унинг тухумини уйга олиб келиб босиб ётиб, бола очган.

5. ОЛА ҚАРҒА БИЛАН ЗАҒИЗҒОН

— Қарға билан зағизғон опа-ука, — деди Барно.

— Тўғри, лекин қарғанинг қўйлаги эски, зағизғонники янги, — деди Раъно.

— Дадаси аввал зағизғонга олиб берган-да, — деди Барно. — Кейинги гал пул олганида қарғага ҳам янги кўйлак олиб беради.

6. ОҒРИҚНИНГ МИҚДОРИ

— Бугун бошинг оғримадими, қизим? — деб сўради Дилдордан ойиси.

— Йўқ, — деди Дилдор. — Бугун бошим бир қултум ҳам оғримади.

7. НОМЕР

Беш ёшлик Дилшод ойиси билан бекатда турган эди. Бир юз эллик саккизинчи автобус келиб тўхтади.

— Бу автобуснинг номери нечанчи экан? — деб сўради ойиси.

Дилшод уни тескари ўқиди:

— Номери саккиз, беш, бир экан, — деди.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

Маталлар

⊙ Ним кулгулар йиғилиб қаҳ-қаҳа бўлади.

⊙ Минг марта илжайгандан кўра, бир марта қаҳ-қаҳ отиб кулган афзал.

⊙ Кулолмайдиган кишидан қўрқ.

⊙ Соғлом танда — соф кулгу.

⊙ Заҳарханда кулги тиғдан кучли.

Баҳром АКБАРОВ.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

СЕРВИС ХИЗМАТИ

Уй бекаси:

— Ишингизнинг сифатига — «беш!»

Сантехник:

— Ва ремонт учун — уч. Жами саккиз сўм.

ИККИ ОЙ КУТИШ

Қўнғироқ жиринглади. Эшикни очган уй бекаси рўпарасида водопроводчи турар эди. Аёл хушчақчақлик билан:

— Келганингиз жуда яхши бўлди-да... Биз сизни уч кундан буён кутамиз, — деди.

— Унда мен янглишибман. Мени икки ойдан буён кутаётган хонадонга юборишган эди.

ЭНГ ЯҚИН ЙЎЛ

— Вокзалга борадиган яқин йўлни кўрсатолмайсизми?

— Кўрсатолмайман.

— Демак, сиз ҳам бу ерлик эмасмисиз?..

— Аксинча, мен — шу ерликман. Бироқ — такси ҳайдовчиман...

А. ОБИДХЎЖАЕВ тайёрлаган.

ШИНГИЛ ҚАТРАЛАР

Мен сени алдаяпман, сен эса мени алдаяпсан. Таажжубки, бир-биримизни алдаяпмизу, юзларимизда эса табассум-а!?

* * *

Бир куни овлоқда виждон виждонсизликни тоза дўппослади. Эртасига виждонсизлик: «Бунинг виждонсиз экан», — деб диёнатга арз қилиб келди.

* * *

Икки гул бир-бирига бўй бермай: «Мен чиройлиман, йўқ, мен» деб ўз-ўзларини кўз-кўз қилишарди. Шамол бўйи ўсиб, барг чиқариб қўйган бу гулларнинг калласини олиб ташлади.

* * *

Висол Ҳижроннинг кетидан изма-из қувиб келарди. Муюлишда беркиниб турган Хиёнат Висолни чалиб юборди. Энди Ҳижрон узоқ-узоқларга олислаб кетди...

* * *

Тил дилга озор бериб турган эди, тишлар уни тишлаб олди.

* * *

Қўлга олинган қалам ҳайиқиб бу қўлга қараб қўяди. Бармоқлар эса қисиб, уни ёзишга мажбур қилди. У ночор қитирлаб юмушга киришиб кетди.

* * *

Илгари у доим ёшини кичик қилиб кўрсатарди, энди катта қилмоқчи-ю, иложини тополмаяпти.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ. Тошкент область, Калинин райони.

ЭНГ НУФУЗЛИ ТУРНИР

Шахмат

Марказий «Пахтакор» стадионидаги Республика шахмат-шашка клубида Ўзбекистоннинг илк чемпиони устоз Азимиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнирининг учдан икки қисми ортда қолди.

Буниси ана шундай нуфузли мусобақаларнинг ўн олтинчисидир. Биринчиси устоз таваллудининг 80 йиллигига тўғри келиб, СССР ташкил топганлигининг 50 йиллик тананалари арафасида ўтказилган эди. Уни анъанага айлантиришдан кўзда тутилган мақсад, аввало, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ республикамизда шахмат воситасида меҳнаткашлар бўш вақтини мароқли ўтказишни ташкил этиш борасида жонбозлик қилган устоз хотирасига хурмат бажо келтириш эди. Айни чоқда бу тадбир республикамиз етакчи шахматчилари учун маҳорат мактаби бўлиши ҳамкасблар биргаликда яратган ижод намуналари эса мухлислар мулкига айланиши назарда тутилганди. Ҳаммасига эришилди, десак муболаға бўлмас.

Кейинги 15 йил мобайнида етишиб чиққан спорт мастерларимизнинг аксарияти, хусусан, ака-ука Аъзамовлар, С. Пинчук, Д. Қаюмов, В. Воронов, С. Галахов, Т. Воҳидов, С. Загребельний, М. Салтаев, В. Манин, С. Нодирхонов ва бошқалар худди шу хотиравий турнирлар шарофатидан ниятларига етдилар.

Буларда нафақат бизнинг энг яхши вакилларимиз, балки бошқа қардош республикалардан ташриф буюрган гроссмейстеру мастерлар ҳам ўз маҳоратларини тобладилар.

Азмиддин Хўжаев мемориалларида ўйналган энг яхши партиялар ва уларнинг айримларига берилган шарҳларни ўз ичига олган иккита китоб рус тилида чоп этилиб, жаҳон шахмат аҳлига тақдим этилганини ҳам мамнуният билан тилга олиб ўтишни истардик. Ҳа, эндиликда Азмиддин Хўжаев номи бутун дунёга маълум.

Иштирокчилар состави жиҳатидан бу сафаргиси нафақат мемориалларнинг, балки республикамиз пойтахтида ўтказилган барча мусобақаларнинг энг кучлисидир. 18 иштирокчининг 6 нафари халқаро гроссмейстер, 10 нафари халқаро ҳамда СССР спорт мастерлари, қолган иккитаси эўрлар билан баравар дона суришга кўникиб қолган мастерликка номзодлардир. Улар орасида жаҳон чемпиони Г. Каспаровнинг тренерларидан Г. Тимошченко (Новосибирск) билан Е. Владимиров (Олмаота), СССР терма командаси ва шахсан жаҳон экс-чемпиони Е. Карповнинг тренери С. Макаричев (Москва), жаҳон шахмат маликаси Майя Чибурданидзенинг устозларидан Г. Кузьмин (Ворошиловград), команда ҳисобида жаҳон Олимпиадаси чемпиони, мамлакат биринчиликларининг икки карра ғолиби В. Цешковский (Краснодар), СССР Қуролли Кучлари ҳамда Украинанинг бир неча бор чемпиони В. Маланюк (Севастополь), СССР чемпионатларининг кўп карра иштирокчиси Н. Рашковский (Олмаота) ва бошқалар бор.

Республикамиз спорт шаънини Ўзбекистон чемпиони А. Ненашев, экс-чемпионлар В. Логинов, Р. Зиёддинов, М. Салтаев ва мастерликка номзодлар А. Тошхўжаев билан А. Барсов ҳимоя қилмоқда.

Турнирнинг ўртача коэффициенти кўпгина халқаро мусобақаларникидан қолишмайди — 2449.

Низомга кўра ҳар куни иштирокчилар олти соатдан баҳс юритадилар. Дастлабки тўрт соат (томонларнинг ҳар бирига икки соатдан) мобайнида 40 тадан ва кейинги икки соатда 20 тадан юриш қилинади. Ажратилган вақтдан қандай фойдаланиш, яъни унинг тақсимоти ўйинчиларнинг ихтиёрида, аммо белгиланган регламент бажарилиши шарт.

Ҳозиргача турнирда юздан ортиқ партия ўйналди. Ушалардан баъзиларига қисқача тўхталиб ўтсак.

Мусобақанинг энг ёш қатнашчиси самарқандлик спорт мастерлигига номзод Алексей Барсовнинг кутилмаган сипоҳ қурбони кўмагида оғир аҳволдан чиқиб кетиб, москвалик халқаро гроссмейстер С. Макаричев билан дурангга эришганлиги кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бу бешинчи турда рўй бериб, Барсовнинг фарзини ҳамма ишни бажарган эди. Олтинчи турда Барсов қора доналар билан фарзин гамбитининг актуал вариантларидан бирини танлади. Севастополлик халқаро гроссмейстер В. Маланюк шоҳини катта рокировка қилиб, марказда тангликлар барпо қилиб турганда, қоралар ногоҳ фарзинини бир руҳу, бир филга алмаштириб юборди. Самарқандлик шахматчи оқ шоҳни нишонга олиш учун бир пиёдасини ҳам «инъом» этишдан тап тортмади. Устма-уст қилинган ҳамлалардан шоҳини асрашни уддалай олмаган гроссмейстер 21-юришдаёқ таслим ишорасидан бўлак чора тополмади. Мусобақадан мусобақага маҳорати тобланиб «бораётган А. Барсов ижодида муҳим сифат ўзгаришлари юзага келмоқда. Чунончи, цейтнотга тушиш ҳоллари камайиб, кучли хавфлардан чўчиш аломатлари йўқолиб бораяпти.

Тошкентлик спорт мастери Рашид Зиёддинов оқ доналар билан ўйинни кўпинча шоҳи олдидаги пиёдасини икки хона олға суриш билан бошлайди. Унга қарши сицилианча ҳимояни танлаганларнинг аксарияти қийин аҳволга тушиб қоладилар. Етинчи турда В. Цешковский ҳам бундан мустасно бўлмади. Шоҳларнинг турлича томонга рокировка қилинганлиги туфайли мамлакат экс-чемпиони бир пиёда эвазига ташаббусни қўлга олмоқчи бўлди. Лекин сира бунинг иложини қилолмади. Аксинча, аста-секин қора шоҳ ҳужум объектига айлана бошлади. Ҳар томонлама изчиллик республика экс-чемпионига салмоқдор ғалаба келтирди...

Унинчи турда ўйналган партиялар орасида Тошкент экс-чемпиони А. Тошхўжаевнинг турнир пешқадамларидан бири ленинградлик А. Ермолиский билан бўлган учрашуви айниқса драматик тус олди. Иккала томон учун ҳам ўйлаш учун вақт ўта тиғиз бўлиб турган бир пайтда қора доналарни сурган Тошхўжаев аниқроқ ҳаракатлар қилиб, 42-юришда рақибини биринчи мағлубиятини тан олишга мажбур этди.

Ўн турдан сўнг халқаро гроссмейстер С. Макаричев билан халқаро мастер Е. Владимиров 7 тадан, халқаро гроссмейстер Г. Кузьмин 6,5, житомирлик А. Хузьман 6, В. Логинов 5,5, А. Непашев 5 очкога эга ҳолда пешқадамлик мавқеида эдилар.

Мусобақа 27 майгача давом этади.

М. МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош судьяси, халқаро арбитр.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/V да—**Отелло,** 22/V да—**Раймонда** 23/V да—**Фидойилар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/V да **Қутлуғ қон** (В. И. Ленин номли СССР Халқлари Дўстлиги саройи биносида), 22/V да **Ўғрини қароқчи урди.** 23/V да **Ревизор.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/V да **Зўлдир,** 22/V да **Олифта,** 23/V да **Узилган торлар.**

Кино

21 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— **Санъат саройи** (16, 18.40, 21.20; телефон 44-21-44, 44-21-34), **Дружба** (17, 18, 20, 20.30; телефон 67-96-87).

«ОНА МУҲАББАТИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 18, 21.00).

«ЎҒЛИНГИЗ ҚАЕРДА?» — **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охиргиси 21.30; телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ЖИН» — **Ватан** (16, 18, 20, 21.30).

«ОТАҲОНЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда).

«БЎРИ УЯСИ» — (ўзбек тилида — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (16, 21.00).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ! ИЛОН!» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (18.30).

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Искра** (17.15, 20.00; телефон 39-14-59, **Восток** (16, 21.00; телефон 91-14-61).

«ВАТЕРЛЛО» — **Чайка** (16, 21.00; телефон 77-06-20).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ» — **Чайка** (19.00), **С. Раҳимов номли** (21.00).

«ХОТИРЛАШ» —**Қозоғистон** (ҳар соатда) **Нукус** (18, 20.00; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 18.30, 21.00).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Нукус** (16, 21.30).

«ДАЙДИ» — **К. Ерматов номли** (16, 21.00).

«АРМОН» — **С. Раҳимов номли** (17.30).

22 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— **Санъат саройи** (10.40, 13.20, 16, 18.40, 21.20; телефон 44-21-44, 44-21-34), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.30; телефон 67-96-87).

«ОНА МУҲАББАТИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

«ЎҒЛИНГИЗ ҚАЕРДА?» — **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охиргиси 21.30; телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«БАНКИР МАРГАЙЯ» — **С. Раҳимов номли** (12, 15, 18, 21.00).

«ЖИН» — **Ватан** (16, 18, 20, 21.30).

«ОТАҲОНЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда).

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Искра** (17.15, 20.00; телефон 39-14-59, **Восток** (16, 21.00; телефон 91-14-61).

«ВАТЕРЛОО» — **Чайка** (16, 21.00; телефон 77-06-20).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ» — **Чайка** (11, 19.00), **С. Раҳимов номли** (21.00).

«ХОТИРЛАШ» — **Нукус** (11, 14, 18, 20.00; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 18.30. 21.00).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Нукус** (16, 21.30).

«ДАЙДИ» — **К. Ерматов номли** (16, 19.30).

«БЎРИ УЯСИ» — (ўзбек тилида — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (16, 21.00).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ! ИЛОН!» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (18.30).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
22 ва 25 май соат 19.30 да
23 ва 24 май соат 15.00 ва 19.30 да

«СИЗ ЁҚТИРГАН ҚЎЙЛАР»

ТАТАРИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
РСФСР ВА ТАТАРИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Илҳом ШОКИРОВ
солистлар: Ҳамдуна ТЕМИРГАЛИЕВА, Ғозинур ФАРУҲШИН, Искандер БИКТАГИРОВ, Зейра ШАРИФУЛЛИНА, Салим МИФТАХОВ.
ҚОЗОН МОДАЛАР ТЕАТРИ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Концертларни — Фирдовси ХАЛИЛОВ ва Зайтуна ЯРУЛЛИНА олиб боради.
Постановкачи-режиссёр — Марат ТАЗЕТДИНОВ.
Билетлар СССР Халқлари Дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.
Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

ДИҚҚАТ—ЯНГИЛИК!

«АВТОҲАВАСКОР» ЖАМИЯТИНИНГ
КИРОВ РАЙОН ЖАМИЯТИ

«ДИЗАЙН-87»

КЛУБИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

КЛУБНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД —ЭРТАНГИ КУН АВТОМОБИЛЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН ҲАВАСКОР АВТОМОТО ИЖОДКОРЛАРИНИ ЯГОНА ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВГА БИРЛАШТИРИШДИР.



«ДИЗАЙН-87» клуби ҳузурида «АВТОМОБИЛНИ БЕШ ҚЎЛДЕК БИЛАМИЗ» СЕКЦИЯСИ ИШ ОЛИБ БОРАДИ.

ҲАР ОИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА КЛУБ АЪЗОЛАРИ ИЖОДИНИНГ ЭНГ ЯХШИ МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИБ БОРИЛАДИ.

Қизиққанларни қуйидаги адресга мурожаат этишларини сўраймиз: Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Май кўчаси, 12-уй.

Музикали бандероль

БАРЧА МУЗИКА ШАЙДОЛАРИ, ҚУШИҚ МУХЛИСЛАРИНИ
ТОШКЕНТ «МУЗИКА УЙИ»
ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«МУЗИКА УЙИ»ДА

СИЗНИНГ УЙ АДРЕСИНГИЗ, ПОЧТА ИНДЕКСИ, ФАМИЛИЯНГИЗ, НОМИНГИЗ, ОТАНГИЗНИНГ НОМИ, ШУНИНГДЕК МУЗИКА АСАРИ, МАГНИТОФОНИНГИЗ ТИПИ, ТЕЗЛИГИ, ЛЕНТАНИНГ ТИПИ ВА МЕТРАЖИ КЎРСАТИЛГАН ҲАТИНГИЗГА БИНОАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ТАСДИҚЛАГАН КАТАЛОГГА МУВОФИҚ СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ АВТОРЛАРИНИНГ МУЗИКА АСАРЛАРИНИ «МУЗИКА УЙИ»ДА МАВЖУД БЎЛГАН МАГНИТОФОН ЛЕНТАЛАРИГА МОНО ЁКИ СТЕРЕОФОНИК ТАРЗДА ЁЗИБ БЕРИШАДИ.

Буюртмада кассетанинг характери ва типи, шунингдек магнитофоннинг тури ҳақидаги буюртмачи истакларининг батафсил баён қилиниши «Музика уйи» ходимлари томонидан буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кафолат беради.

Бажарилган буюртма учун ҳисоб-китоб устама ҳақ тўлаш йўли билан амалга оширилади. Буюртмалар Совет Иттифоқининг исталган аҳоли пунктига юборилади.

Адрес: 700060, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 36-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Граждан авиацияси-нинг 243-ремонт заводи базасидаги

20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун 1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синфни битирган ўқувчилар: учиш аппаратларининг слесарь-ремонтчиси, авиадвигателларнинг слесарь ремонтчиси, учиш аппаратларининг ремонти ва уларнинг ускуналари бўйича электромонтажчи, газэлектр пайвандчи ихтисосликлари бўйича 3 йил, 10-синфни битирганлар эса 1 йил таълим оладилар.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тамомлаганлар авиация ремонти база корхоналарига ишга юборилади. Завод ишчиларига граждан авиацияси ходимларига тегишли имтиёзлар ҳам берилади.

3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиган ўқувчилар эса ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқувчилар 16 ёшга тўлиши билан авиация клубига қабул қилинади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар эса граждан авиацияси институтлари ва билим юртларига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 5 дона, 6х4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри Авиасозлар шаҳарчаси. Телефонлар 99-96-46, 99-94-50.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фарҳод ва Ғ. Ғулом кўчалари чорраҳасида иссиқлик трассаси қурилиши муносабати билан

22 МАЙ СОАТ 10.00 ДАН 25 МАЙ СОАТ 6.00 ГАЧА

ҚУЙИДАГИ ТРОЛЛЕЙБУС ВА ТРАМВАЙЛАРНИНГ МАРШРУТИ ЎЗГАРАДИ.

12 ва 13-ТРОЛЛЕЙБУСЛАР «ПРАВДА» газетаси кўчасидан 6-маршрутдаги троллейбус трассаси бўйлаб Чилонзорнинг 20-кварталига қатнайди; 17-ТРАМВАЙ — «КЎКЧА-БЕШҚАЙРАҒОЧ» орасида қатнайди.

МАРШРУТДАГИ АВТОБУСЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ ЎЗГАРМАЙДИ.

Ҳамма турдаги пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш Тошкент шаҳар бошқармаси.

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ТУРИСТИК БАЗАЛАРДА

ДАМ ОЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

СИЗЛАРНИ ЁШЛАР МАРШРУТИ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Волга соҳилида, Калинин шаҳридан 30 километр қуйида мамлакатимизнинг энг кекса туристик базаларидан бири — «Лисицкий Бор» жойлашган. Туристик база май ойидан октябрь ойигача ишлайди.

Туристлар қулай ва шинам ёғоч уйлардаги 2-3 кишилик хоналарга жойлашишади. Яхшигина кутубхона, кинозал, телевизор хонаси, рақс майдончаси, қайиқлар станцияси, тир, кафе, алоқа бўлими, кундалик зарур моллар билан савдо қилувчи савдо точкалари, катта кўрфаз соҳилида жойлашган рус ҳаммоми туристларга хизмат кўрсатади.

Улуғвор қарағайзорлар салтанати сокин ва салқин, ҳавоси тоза. Туристик база шундоққина Волга бўйида қад кўтарган. Қумли пляж яқин орада, дарёдан ҳамиша салқин шабада эсиб туради. Июль ойи — мева-чева ва қўзиқоринлар мавсуми. Турбазадан узоқ бўлмаган ерда черника ва малина бутазорлари бошланади.

Дам олиш вақтида туристлар теварак-атрофга сайр қиладилар, теплоходда экскурсияга чиқадилар, Волга дарёси ва унинг ирмоқлари бўйлаб қайиқларда кўп кунлик походлар уюштирадилар.

ЖУНАШ ВАҚТИ — 16 ИЮНДАН 1 ИЮЛГАЧА.

Путёвканинг тахминий баҳоси —280 сўм.

Самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати харажатлари путёвка қийматига киради.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987—1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЁШЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.**

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг ўрта маълумотга эга бўлганлиги ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотлилар бир йил ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирган ўқувчилардан 10 проценти олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқиш учун йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги маданият Саройида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва ўзлари истаган бошқа тўгаракларда қатнашишлари мумкин. Ўқувчилар санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5-«а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60э, 80э, 71-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати). Телефон 33-19-24.

«КИЕВ—35А»— ҲАВАСКОРЛАР ФОТОАППАРАТИ

«КИЕВ—35 А» ФОТОАППАРАТИ ШУ ТУРКУМДАГИ ФОТОАППАРАТЛАРНИНГ ЭНГ КЕНЖАСИДИР.


Оғирлиги атиги 200 грамм бўлиб, замонавий аппаратларга хос барча элементларга эга. Булар — ишга шай тепки, автоматик кадр ҳисоблагич, тескари ўраш механизми, олиб қўйиш мумкин бўлган орқа қопқоқ, электрон затвор ва ҳоказолардир.

«КИЕВ— 35 А» камбар плёнкали (кадр формати 24х36 мм) фотоаппарат. У объективнинг очиқ туриши вақтини 1/500 дан 4 секундгача босқичсиз меъёрига етказади. Юқори сифатли «МСКОРСАР 2,8/35» объективи билан таъминланган.

Видержканинг давомийлиги ва объективнинг сезгирлиги турли хил ёруғликда фотосурат олиш имконини беради. Тасвир излагич кўриш доирасида видержка шкаласи ва индикатор стрелкаси бўлиб, танланаётган видержкани кўрсатиб туради.

«КИЕВ—35 А» АВТОМАТИК ФОТОАППАРАТИ ФОТОГРАФИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

Баҳоси —85 сўм.



«АРСЕНАЛ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ҚАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

«Шуҳрат» ўқишга чорлайди

ТОШКЕНТДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН, 8 ВА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 17—25 ЁШЛИ ҚИЗЛАРНИ «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.



ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати —5 ва 6 ой.

Стипендия — ойига 52 сўмдан 63 сўмгача.

Битирувчиларга кичик сотувчи ёки контролёр касб малакаси берилади ва улар Тошкент шаҳридаги савдо корхоналарида иш билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кириш учун директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти ҳақида шаҳодатнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, иккита 6х9 ва иккита 3х4 см. ҳажмида фотосурат топшириш керак.

Мактаб магазинининг адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй (20, 34, 41, 50, 54, 70, 75, 79, 87, 182-автобуслар; 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларда «Шуҳрат» бекати, метрода «Чилонзор» станциясига» борилади).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ (телефон 75-58-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

22 МАЙ ВА 18 ИЮНЬ

СОАТ 15.00 ДА
ОЧИҚ ЭШИКЛАР

КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР, УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ, МАКТАБНИ ИЛГАРИ ТАМОМЛАГАН ҚИЗЛАР, БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШНИ ҲОҲЛОВЧИЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Ўқувчилар медицина билим юртининг тарихи, кабинет ва лабораторияларнинг иши, бўлажак медицина ҳамшираси, акушерлик касблари билан танишадилар.

Адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекати; 1, 2, 5, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет шифохонаси» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—12762. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2128. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.